

Собиров Фурқат Баҳромбой ўғли

ИИВ Академияси Криминалистик экспертизалар

кафедраси бошлиги ўринбосари, ю.ф.б.ф.д. (PhD)

Аннотация. Мазкур мақолада жиноятчиликка қарши курашишда хатшунослик экспертизасини тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилиши билан бирга, мазкур жараёнда юзага келаётган муаммо ва уларни бартараф қилиши бўйича асослантирилган таклифлар келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: хатшунослик, адвокат сўрови, хатшунос эксперт, хуолоса.

Сўнги йилларда жиноятчиликка қарши курашиш жараёнида суд экспертизаларига бўлган талаб йилдан йилга ортиб бормоқда. Буни биргина охирги 3 йилда мамлакатимизда рўйхатга олинган жиноятларнинг камайишига қарамасдан [1], экспертиза ўтказилиш ҳолатининг ортиб бораётганлиги билан кўриш мумкин [2]. Ҳозирги кунга келиб, суд экспертизалар нафақат давлат суд экспертиза муассасаларида балки, нодавлат суд экспертиза ташкилоти томонидан ҳам ўтказилиш амалиёти йўлга қўйилган.

Мазкур суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 март кунидаги “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-қарорида ўз аксини топган [3]. Шу ўринда дастлаб, нодавлат суд экспертиза ташкилоти томонидан имзолар тадқиқоти юзасидан хатшунослик экспертизасини ўтказиш ваколати борми? деган саволга қисқача тўхталиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд экспертилик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарори 1-иловасида Нодавлат суд экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд экспертизалари турларининг рўйхати кўрсатилган бўлиб, мазкур рўйхатда хатшунослик экспертизаси кўрсатиб ўтилган [4].

Мазкур келтириб ўтилган маълумотга асосан нодавлат суд экспертиза ташкилоти томонидан имзолар тадқиқоти юзасидан хатшунослик экспертизаси ўтказилиши мумкинлигини тушуниш мумкин. Бироқ, муаммо уни ўтказишга рухсат этилганлиги ёхуд рухсат берилмаганлигига эмас, балки мазкур суд экспертиза ташкилотига экспертиза тайинлаш жараёнида қонунчилик ҳужжатларидағи қарама-каршилик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-қарори 1-иловаси 2-боб 9-банди биринчи хатбошисида нодавлат суд экспертиза ташкилотида суд экспертизаси шартномага мувофиқ пуллик асосда амалга оширилиши белгилаб кўйилган [3]

Шу қарорнинг 1-иловаси 2-боб 6-банди иккинчи хатбошисида эса: нодавлат суд экспертиза ташкилоти суд экспертизасини ўтказишда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга амал қиласи деб аниқ кўрсатилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январь кунидаги “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сон қарори [5] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февраль кунидаги “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби

тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 73-сон қарори [6] билан ўз кучини йўқотган.

Шу ўринда ўз кучини табиий бир савол юзага келиши аниқ: нодавлат суд экспертиза ташкилоти суд экспертизасини ўтказиша айнан қайси норматив-хукуқий ҳужжатга амал қилиши лозим бўлади?

Назаримизда, миллий норматив-хукуқий ҳужжатларимизда нодавлат суд экспертиза ташкилоти суд экспертизасини ўтказиша айнан қайси ҳужжатга асосан амалга оширишига ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ. Бу катта эҳтимол билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февраль кунидаги “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 73-сон қарори бўлиши мумкин.

Бироқ, буни айнан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-қарори билан белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ:

1. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг йиллик ҳисоботи //Т.2023.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 24.03.2020 йилдаги “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январь кунидаги “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февраль кунидаги “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 73-сон қарори